
ГЕРМАНИЯ КОМПАНИЯЛАРИ ФАРҶОНАГА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

Бугун вилоят ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев вилоят ҳокимлиги қабуллар уйида Германиянинг “AV Consulting” компанияси вакили Андреас Вориғ бошчилигидаги ишбилармонлар билан учрашди. Унда “ABM-technik”, “Vitronic”, “Tatweer”, “Gühning” компанияларининг Ўзбекистондаги вакиллари ҳам қатнашдилар.

Самимий учрашув учун миннатдорчилик билдирган Андреас Вориғ, “AV Consulting” компанияси Европа давлатлари ва Туркияда самарали фаолият олиб бораётганлигини, тадбиркорлар томонидан маҳсулотлар, жиҳозлар сотиб олинаётганда молиявий масалаларда тўғри қарорлар қабул қилишларига кўмак кўрсатиб келинаётганлигини айтиб ўтди. Хусусан, Фарғонада ҳам ободонлаштириш йўналишида замонавий техникалар харид қилиш ва сотиб олинган техникаларга хизмат кўрсатишда ёрдам бериш ниятида эканликларини маълум қилди.

“ABM-technik” компанияси вакили эса темир ва пластмассани қайта ишловчи ускуналар сотиб олинмишида, уларнинг ўрнатилишида, мазкур жиҳозларга сервис хизматни амалга оширишда ўз таклифларини илгари сурди. Меҳмонлар арзон нарх ва яхши сифат учун ҳаракат қилишларини, маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга, тўғридан тўғри хорижий кредитлардан фойдаланишга кўмак кўрсатишларини таъкидлашди.

Ўз навбатида Иқболжон Эргашев Германия билан алоқалар сўнгги йилларда мустаҳкамланиб бораётганлигига, германиялик инвесторлар томонидан вилоятга катта қизиқиш билдириляётганлигига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Шунингдек, кундан кун обод ва кўркем бўлиб бораётган Фарғонани янада ободонлаштириш йўналишида германиялик компаниялар, инвесторлар билан ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирди.

Ушбу ҳамкорлик доирасида ноябрь ойида Германиянинг Тошкентдаги элчихонасида германиялик ва фарғоналик тадбиркорлар иштирокида учрашув ташкил этилади. 2022 йил февраль ойида эса вилоят делегацияси Германияга амалий ташриф билан боради. Томонларнинг таклиф ва лойиҳалари ўрганиб чиқилиб, ўзаро келишилган ҳолда шартномалар имзоланиши учрашувда маълум қилинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-10-26 16:54:35